

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАЛАКАВИЙ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

Тошкент 2005

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАЛАКАВИЙ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

(Мактабгача ва оилавий таълим бўлими талабалари учун қўлланма)

Тошкент 2005

АННОТАЦИЯ

Педагогик амалиёт – кадрлар тайёрлаш сиғатини оширишда мұхим аҳамият касб этади.

Ушбу кўлланмада – педагогик амалиётнинг дастури, турлари, боскичлари, амалиётнинг мақсади, вазифалари ва уни ўтказиш методикаси, амалиёт жараёнида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларининг мазмуни, услубий тавсиялар ўз ифодасини топган. Мазкур методик кўлланма мактабгача ва оиласвий таълим йўналиши талабалари ва педагогик амалиёт раҳбарлари учун мўлжалланган.

Тузувчи: катта ўқитувчи Ш.К.Ташпулатова

Такризчилар: профессор О.У.Хасанбаева
Университет педагогик амалий раҳбари
Юлдашева М.

Маъсул муҳаррир:

Ўкув қўлланмаси Низомий номидаги ТДПУ илмий кенгашининг ва 2005 йил «__»
____ сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Низамий номидаги Тошкент давлат педагогика университет

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да педагогик кадрлар тайёрлаш тизими ишини тубдан янгилаш вазифаси қўйилади. Унда: «Ўзларининг касб-кор кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари лозим» дейилади. Кадрлар тайёрлашнинг назарий-амалий жиҳатлари ва унинг моҳияти Республикамиз Президенти И.А.Каримов асарларида тўлақонли ёритиб берилган. «Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс – фуқарони камол топтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ» дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим концепцияси ва Низомида ҳам педагогик ходимлар тайёрлашга катта эътибор қаратилиб, мактабгача таълим бўйича янгича фикрлай оладиган, ҳалқ педагогикасининг улкан тажрибаси, миллий анъана, қадриятларни, ҳалқ ижодиётининг бой меросларидан бола тарбиясида қўллай оладиган ходимлар тайёрлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу масалалар мактабгача таълим муассасалари ва педагогик коллежларда таълим-тарбиявий ишларни ранг-баранг, янгича йўналишда ташкил этилиши тақозо этади.

Педагогика Олий ўқув юртларида ўтказиладиган малакавий педагогик амалиёти таълим тизимининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Университет фаолиятининг асосий принципи бўлган ўқиши – ишлаб чиқариш амалиёти билан қўшиб олиб борилиши, амалда ҳал этишни қулай имконини яратади.

Малакавий педагогик амалиёт даврида талаба ижтимоий-сиёсий, педагогика, рухшунослик ва маҳсус методикалар юзасидан ўзлаштирган билимларига мувофиқ, мактабгача таълим муассасалари ва педагогика коллеждаги таълим-тарбиявий, ўқув ишлари билан боғлиқ фаолиятида иштирок этиши туфайли, педагогик кўникма ва малакаларни эгаллаб боради, айни вақтда ўзининг педагогик фаолияти қай даражада лойиқлигини, қобилиятини синовдан ўтказади.

- Педагогик амалиёт даврида бўлажак тарбиячи - ўқитувчи – Мактабгача таълим муассасаларида таълим тарбиявий ишларни режалаштириш ва ўтказиш, мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота-оналари билан бола тарбияси муаммоли масалаларни ҳал этиш;

- мактабгача таълим муассасаси ишини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- турли мазмундаги методик иш шаклларини кузатиш, ўрганиш, таҳлил қилиш;
- педагогик коллежда мактабгача педагогика психология ва маҳсус методикалардан дарс бера олиш;
- педагогика коллежида таълим-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни мустақил ташкил этиш;
- талабаларнинг мустақил фаолиятларини ташкил эта олиш малакалари шаклланади.

Малакавий амалиётининг йўналиши ва мазмuni ўқув режасига мувофиқ мураккаблашиб, такомиллашиб боради.

Мактабгача таълим йўналиши бўйича III курснинг 6-семестрида ва IV курснинг 8 семестрла 14 ҳафталик амалиёти турларига ажратилади. Педагогик амалиётининг мақсад ва вазифаларига кўра қуйидаги турлари мавжуд.

I. Ёзги педагогик амалиёт III курсда 6 семестр якунида ўтказилади. Бу ўқиши жараёнидан ажралган ҳолда ўтказилади. Бу амалиёт тури – бўлажак мактабгача таълим ходимларини педагогик ихтиомига тайёрлашнинг бошланғич қадами сифатида асосан таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишни кузатиш, синаб кўриш, ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

II. Малакавий педагогик амалиёт IV курсда 14 хафта давом этиб, у қуидаги босқичларда ташкил этилади.

- 1) Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган педагогик амалиёти – 7 хафта давом этади.
- 2) Педагогика коллажларида ўтказиладиган педагогик амалиётидан иборат – 7 хафта давом этади.
- 1) Мактабгача таълим муассасаларда ўтказиладиган педагогик амалиёти – бу таълим-тарбиявий жараёнларни ва бошқа фаолият турларини мустақил эта олиш, болалар ва ота-оналар билан ишлай олиш малакалари, босқич ва малакавий битириув иши билан боғланган тадқиқот – тажриба ишларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий масалалар, педагогика билимларини чуқурлаштиришга ва педагогик қобилиятларини янада такомиллаштириш масалалари ҳал этилади.

Шунингдек, талабалар мактабгача таълимни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш, халқ таълими олдида турган асосий вазифаларни халқ таълими бўлимлари ва мактабгача таълим муассасаси ишларида ижобий қўллай олиш бўйича билим, малакаларга эга бўладилар. Халқ таълими назоратчиси, методисти, мактабгача таълим муассасаси мудираси, услугчиси иши билан яқиндан танишиш, методик ишларни мустақил ташкил эта олиш, мектабгача таълим муассасасини ялпи ва танланган мавзу бўйича текшириш ишлари амалга оширилади.

2) Педагогик коллажларда ўтказиладиган педагогик амалиёт босқичи талабаларни назарий ва амалий жиҳатдан ўқитувчилар тайёрлаш ишлари амалга оширилади. Бунда педагогик коллажда дарс жараёнининг ҳамма турларини кузатиш ва таҳлил қилишга, мутахассис фанлари (мактабгача педагогика, психология ва маҳсус методика фанларидан) дастур масалаларини мустақил режалаштириш қобилиятларини янада такомиллаштириш, ўқитиши услубиятини амалга қўллаш, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни ташкил эта олиш, синф раҳбари ишининг усул-услублари билан танишишни мақсад қилиб қўяди.

Педагогик амалиёт давомида ҳар бир талаба ўзи танлаган касбига муносабати, педагогик фаолиятга қизиқиш, шу соҳадаги тайёргарлик даражаси шаклланади.

Малакавий педагогик амалиёт – илғор иш тажрибаларини ўрганиш маскани, маҳорат мактаби ҳисобланади.

ЁЗГИ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ ДАСТУРИ

Педагогик амалиёти – энг намунали мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилади. Амалиёт раҳбари сифатида кафедранинг етакчи ўқитувчиларидан тайинлашади. Талабаларни 6-12 ҳисобида Мактабгача таълим муассасасига жойлаштирилади. Мактабгача таълим муассасаларида талаба ҳар куни 6 соатдан ишлайди. Таълим-тарбия иш мазмунига қараб - ҳар бир талаба куннинг I-чи ва II-чи ярмида иш фаолиятини амалга оширади. Талаба гурух тарбиячиси билан биргаликда, ҳамкорликда иш юритади. Машғулотлар ва педагогик жараёнлар ишланмаларини тузадилар, болаларнинг мустақил ўйин фаолиятларини ташкил этишини режалаштирадилар. Болаларнинг руҳий ривожланишларини кузата бориб, 2 та болага тавсифнома тузадилар.

Бу амалиёт тури ўқув характерга эга бўлиб, гурух раҳбари билан биргаликда тарбиячи фаолиятини, унинг таълим-тарбиявий иш сифатини, болаларнинг ахлоқий жиҳатдан юриш-туришлари, хатти-ҳаракатларини кузатиш ва таҳлил қилишга ўргатиб борилади. Амалиёт ўтказилгунга қадар, талаба «Учинчи мингийилликнинг боласи» – таянч дастурини чуқур ўрганиши, таҳлил кила олиши ва амалиёт жараёнида бу билимларини қўллай олиш каби малакага эга бўлиши зарур.

Амалиётнинг 1 чи куни талабалар Мактабгача таълим муассаса мудири ва услубчиси, тарбиячилари ва боғча билан танишадилар.

Мудира ёки услубчи билан гурухларни кўздан кечирадилар, айрим таълим-тарбиявий жараёнларга қатнашадилар. Биритирилган гурухларда болаларнинг индивидуал хусусиятларини кузатадилар ва тавсифнома тузадилар.

Талабаларнинг гурухлардан олиб борадиган асосий вазифалари: 1) Болаларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш; 2) Таълим-тарбиявий иш режаси мазмуни билан танишиш, ўрганиш; 3) Кун тартиби бўйича ҳамма жараёнларни эрталабки қабул, бадан тарбия машғулот, овқатланиш, уйку, сайд, кечки сайд ва кечки соатларни кузатиш ва ўраниш; 4) Гурухнинг иш ҳужжатлари билан танишиш ва олиб бориш тартибида қатнашиши;

1. Болаларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганишда – талаба режада акс эттирилган жараёнларни кузатади ва кузатиш дафтарига ёзиб боради. Амалиётнинг 2 чи кунинда талаба гурумалиёт раҳбари билан болаларнинг ёш хусусиятларини муҳокама қиласидилар, биргаликда болаларнинг ривожланиш хусусиятлар бўйича маълумотнома тузадилар, тавсияномалар ишлаб чиқадилар.

2. Гурухнинг таълим-тарбиявий иш режаси билан танишиш жараённида – бу амалиётини 2-5чи кунларида амалга оширилади. Режа асосида кун тартиби кўнгил очиш, машғулот ва бошқа жараёнларни кузатадилар. Гурух амалиёт раҳбари ёки методисти билан биргаликда гурухда таълим-тарбиявий ишларни йўлга кўйилганлигини муҳокама қиласидилар.

3. Турли педагогик ва таълим-тарбиявий жараёнларни кузатадилар, гурух амалиёт раҳбари билан биргаликда муҳокама қиласидилар. 1-2 та машғулотни мустақил ўтказадилар. Бу эса талабаларда – болалар билан мулоқотга кириша олиш, уларни парвариш қилиш, мустақил машғулотлар ташкил эта олиш каби малакаларини шакллантиради.

4. Машғулотлар ишланмалари, таълим-тарбиявий иш режасини, маълумотнома, ҳисбот, боланинг асаб руҳий ривожланиши бўйича кўрсаткичларни мустақил равишда тузишга ўрганадилар.

Талабаларнинг гурухлардаги ишлари аниқ режа асосида ташкил этилади. Талабалар мактабгача таълим муассасаси ҳаётида, болаларни қабул қилиш, эрталабки бадан тарбия, сайд, ўйин-мехнат фаолият турларида, болаларнинг ижодий ўйинларини ташкил этишда фаол қатнашадилар.

Гурухлардаги жараёнларни кузатиш ва таҳлил қилишда асосий дикқатни қуидагиларга йўналтириш лозим; 1) гурухнинг болалар билан тўлдирилиши; 2) Тарбиячининг имконият даражаси.

Гурухдаги ишларни кузатиш билан бир қаторда болаларга диагностика жадваллари тузиш ўргатилади.

Ўтказиладиган машғулотлар ишланмаси университет методист ўқитувчилари томонидан. Кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Керакли кўргазмали куроллар танланади ва талаба томонидан тайёрланади.

Мактабгача таълим муассасасида ота-оналар билан иш шаклларидан; сухбат, маслаҳатлар, ота-оналар бурчагини жиҳозлаш ота-оналар мажлиси ишида қатнашадилар. Амалиёт якунида анжуман ташкил этилиб, ҳар бир талаба ўз гурух раҳбарлари, методист-ўқитувчилар амалиёт бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан иштирок этадилар. Бунда: - амалиёт жараённида йўл қуийлган камчиликлар, фаол қатнашган талабалар, ўтказилган тадбирлар, кечалар, машғулотлар ҳакида тўхталиб, келгусида амалиётни такомиллаштириш бўйича аниқ хуносалар чиқарилади, таклифлар билдирилади.

ЁЗГИ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган педагогик амалиётни III курс мактабгача таълим бўлими талабалари билан 6 семестринг хафтасига 2 ҳафта давомида амалга оширилади.

Амалиётнинг мақсади: Талабаларни мактабгача таълим муассасаси ҳаёти, ундаги таълим-тарбиявий ва педагогик жараёнлар, ота-оналар билан олиб бориладиган иш усул-услублари билан яқиндан таништириш.

1. Амалиётнинг асосий вазифалари.

Мактабгача ёшдаги болаларни ривожланиши ва тарбияси билан боғлик бўлган жараёнларини ўрганиш, кузатишни ташкил қилишни ўрганиш.

2. Мактабгача педагогика, болалар физиологияси фанларидан олган назарий билимларига таянган ҳолда, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларни олиб боришни ўрганиш.

3. Болаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам берувчи услубиятлардан фойдаланган ҳолда талабаларни турли педагогик жараёнларни ўтказишига тайёрлаш.

4. Талабаларни болалар боғчаси тарбиячиси иш фаолиятини кузата олиш, тарбиячи вазифасида ишлай олишга, болалар жамоаси ва якка тартибда тарбиявий ишларни олиб боришга ўргатиш.

5. Педагогик касбга бўлган қизиқиш ва муҳаббатларини тарбиялаш ва ўз педагогик қобилиятини такомиллаштириш ҳамда маҳсус ва педагогик фанларга, иштиёқларини рағбатлантириш.

Амалиётнинг мазмуни

I. Топшириқ: Мавзуу: «Болалар боғчаси шароити билан таништириш» муассасани кўздан кечириш.

Мақсад: Талабаларнинг болалар муассасалари тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Ўтказиш услубияти:

- а) талабаларни турли ёш гурухларига тақсимлаш;
- б) мудира, катта тарбиячи билан сухбатлашиш;
- в) болалар боғчаси шароити билан яқиндан танишиш;
- г) гуруҳ тарбиячисининг педагогик жараёнини кузатиш.

Жисмоний тарбия

II-Топшириқ: Гурухларда болалар ривожланишининг ўзига хос томонларни кузатиш.

1. Кун тартибини кузатиш (кундалик жараёнларнинг мазмуни, тузилиши ва давомийлиги).
2. Кундалик жараённинг тақсимланиши ва бажарилиши.
3. Болаларнинг фаол бедорлигини таъминловчи шароитларни кузатиш.
4. Болаларнинг фаол бедорлигига далда берувчи усулларни кузатиш.
5. Тарбиячининг кун тартибини ташкил этишга қаратадиган фаолиятини кузатиш, ўрганиш.
6. Бедорлик жараёнида болаларнинг ўз қобилиятларини кўрсата олишларини кузатиш, ўрганиш.
7. Мудира, тарбиячи, энага, тиббиёт ҳамшираси томонидан олиб бориладиган ишлар мазмунини ўзаро алоқадорлигини ўрганиш.

III-топшириқ: Турли ёш гурухларда болаларда маданий-гигиеник кўнималарни шакллантиришни ташкил этишни ўрганиш.

1. Гурухларда маданий гигиеник кўнималарнинг шаклланиши, ривожланиши учун яратилган шароитни аниқлаш.

2. Болаларнинг овқатланиши, уйқуни ташкил этишдаги услугубий йўлларни кўра олишга ўрганиш.
3. Тарбиячи ва энага орасидаги вазифаларни тақсимланиши.
4. Ухлашга ётқизиш даврида болаларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш, кузатиш.
5. Болаларнинг ухлаб қолиш муддати, ётқизиш ва уйқудаги уларнинг ҳолатлари.
6. Катталар томонидан қўйиладиган талаб, буйруқларга болаларнинг муносабати.
7. «Учинчи минг йилликнинг боласи» - таянч дастури талаблари асосида тўғри қўл ювиш, овқатланиш, кийиниш, ечиш малакаларини шакллантириш, совундан, дастрўмодан фойдаланиш малакаларини шакллантириш.

IV – топширик: Болалар муассасаларида сайдни ташкил этиш ва унинг хусусиятлари, турли ёш гурухларида сайдни ташкил этиш усулининг ўзига хос томонларини ўрганиш.

1. Сайдни ўтказиш учун шарт-шароитининг яратилганлиги. Майдонча ва ер участкаси ва уларнинг жиҳозланиши. Керакли инвентарларнинг етарлилиги ва сакланиши, қурол ва жиҳозларнинг фаслларга ва иқлимий шароитга мос келиши, болаларни фаслга мос равишда кийиниши.
2. Болаларни сайд жараёнига тайёрлашининг хусусиятлари. Ўйинчоқларни танлаш, мақсад қўйиш, жиҳозланиши, болаларни кийинтириш жараёнига раҳбарлик, унинг давомийлиги, катталарнинг ёрдами ва ўзаро ёрдам тарбиячи томонидан назорат, сайдга тайёрланиш ва чиқиш муддати.
3. Сайднинг ташкилий тузилиши. Асосий фаолиятларни алмашиб туриши.
4. Болаларнинг мустақил шуғулланишлари учун етарли шароит яратилганлиги, бошланганини охирига етказиш.
5. Болаларнинг фаолиятига ва ўзларини тутишларига раҳбарлик қилиш усул-услубиятлари билан таништириш.

V-топширик:

1. Болалар боғчасида болаларни чиниктириш.

Болаларни чиниктириш шароити ва услуги, топшириқнинг мазмуни. Турли ёш гурухларда болаларни чиниктириш шароитини ўзига хослигини кузатиш, ўрганиш. Бунинг учун:

А) Кейинги 3 ой ичида болаларнинг касаллиги билан танишиб чиқиб, чиниктириш тадбирларини ўтказиш жадвали (тадбирларнинг бошланган вақти ва тадбирни белгилаш).

Б) Чиниктиришни ўтказиш учун яратилган шароитни ўрганиш.

В) Болалар боғчасида фойдаланиладиган чиниктириш турларини аниқлаш.

Г) Чиниктириш тадбирини ташкил этиш ва ўтказишни баҳолаш (вақти, изчиллиги, болаларнинг мустақиллиги, олиб борилган ишларнинг сифати).

Д) Чиниктириш жараёнида болалардаги ўзгаришларни кузатиш, мустақиллик, бир-бирига ёрдам, ўзаро хиссий муносабат, ҳаракат қилиш қоидасини билиши.

VI-топширик: Ақлий тарбия ва таълим.

Болаларнинг ақлий жиҳатдан ривожланишига раҳбарлик.

1. Илгариги қўлланилган қайси тарбиявий таъсирлар, боланинг руҳи ва феъл-авторида сифат жиҳатдан ўзгаришларга олиб келган.
2. Болаларнинг фаол нутқини шакллантиришдаги асосий усулларни белгилаш.
3. Меҳнат топширикларини мустақил бажариш жараёнларига раҳбарлик ва кузатишнинг хусусиятлари.
4. Тарбиячи томонидан вазифани баён этиш шакллари ва болалар томонидан ўзлаштириш сифати.

5. Таълим усуллари ва билим кўникмаларининг мазмундорлиги.
6. қийинчиликларга йўл қўйилган хатолар, тарбиячи томонидан раҳбарлик усуллари.

VII-топшириқ: Болаларнинг сенсор тарбияси.

1. Турли ёш гурухларида болаларнинг сенсор ривожланиш хусусиятларини аниқлаш.
2. Болаларнинг ақлий ва сенсор ривожланишида предметлар ҳаракатининг ролини аниқланг.
3. Болаларнинг руҳий ривожида фаол амалий фаолиятнинг таъсирини, иродавий ва ижобий хиссиятлар сифатини ўрганиш ва шакллантириш.
4. Нутқ ўстиришда ифода этилишини.
5. Предметлар ва қўлланмалар билан ўйинлар ўтказилиши.

VIII-топшириқ: Болаларга ақлий жиҳатдан таълим ва тарбия беришда машғулот асосий иш шакли эканлиги.

1. Талабалар машғулотни кузатадилар, бунда дастур мазмуни билан олдиндан танишадилар.
2. Машғулот тузилиши, унинг мантиқи (давомийлиги, болаларга бериладиган ўқув топширикларнинг турлари ва мазмуни).
3. Педагог томонидан қўлланилган ўқиш услубиятлари.
4. Болалар жамоасини ташкил этиш қобилияти.
5. Кўргазмалик ва ундан фойдаланиш йўллари.
6. Болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

IX-топшириқ: Ахлоқий тарбия.

1. Болалар жамоасини шакллантириш. Болаларнинг биргаликдаги ҳаёт тарзларини ташкил этиш.
2. Турли фаолият жараёнида (ўйин, машғулот, кўнгил очиш ўзаро муносабат ва бошқа фаолиятлардаги иш мазмуни ва характер бирлиги).
3. Ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишлари ва бажарилиши (болаларнинг тартибли ва саранжом-саришталиги, буюмлари билан муносабати, катталар ва ўз тенгдошлари билан мулоқоти, овқатланиши, кийиниши ва уйқуни ташкил этилишидаги ахлоқ сифат даражалари, озиқ-овқатларга ва нонга бўлган муносабти).
4. Болаларнинг ахлоқи, билими савиялари ва хусусиятлари.
5. Болалар боғчаси дастури талабаларига жавоб бериши, мослиги ва баҳолаш.
6. Тарбиячи томонидан болаларнинг биргаликдаги фаолиятига раҳбарлик.

X-топшириқ: Болалар муассасаларида меҳнат тарбияси. Болалар муассасасида меҳнат тарбиясининг йўлга қўйилиши ва мазмuni.

1. Болалар боғчасидаги асосий меҳнат турлари.
2. Кундалик жараёнида болалар меҳнатнинг қайси тури билан шуғулланиши.
3. Болалардаги дастлабки меҳнат кўникмаларини (ўз-ўзига хизмат, навбатчилик, маиший-хўжалик меҳнат, машғулотлардаги, табиат қучоғидаги меҳнат, қўл меҳнати) кузатиш ва таҳлил қилиш.
4. Болаларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари, қизиқишлигини тарбиялаш усул ва услублари.
5. Гуруҳдаги меҳнат бурчакларининг сони ва мазмундорлиги.
6. Табиат бурчакидаги қўл меҳнати.

XI-топшириқ: Ўйин фаолияти. Турли ёш гурухларининг кундалик жараёнларида ўйин турлари билан танишиш.

1. Гурухнинг кундалик режимида ўйиннинг ўрнини аниқлаш.
2. Болалар хаётини ўйин билан тўлдириш даражасини аниқлаш.
3. Кун давомида тарбиячининг ўйин фаолиятини ташкил этишдаги ролини аниқлаш.
4. Гурухнинг ўйин жиҳозлари ва сақланиши.
5. Турли ёш гурухларида ўйин фаолиятини кузатиш ва таҳлили.

XII-топшириқ: Турли фаолиятларда болаларга индивидуал ёндашишнинг ўзига хослиги. Тарбиячининг болага ўзига хос индивидуал ёндашувининг бажарилишини аниқлаш.

1. Болалар жамоасини шакллантиришда индивидуал ёндашувнинг аҳамияти, ўтказиш усул ва услуби.
2. Ўйин фаолиятида индивидуал ёндашувни ташкил этиш.
3. Болаларнинг меҳнат тарбияси жараёнида яккама-якка ишлаш услублари.
4. Машғулотлар давомида болаларга индивидуал ёндашувни амалга ошириш.
5. Иккита болага руҳий-педагогик тавсифнома тузиш.

Амалиётчи талабанинг иш ҳужжатлари

1. Кундалик дафтар.
2. 2 та болага руҳий-педагогик тавсифнома.
3. 1 та очиқ машғулот ишланмаси.
4. Кўргазмали ва тарқатма материаллар.
5. Болаларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этиш бўйича ҳисбот.
6. Амалиёт юзасидан талабанинг ҳисботи.

МАЛАКАВИЙ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ ДАСТУРИ

Бу педагогик амалиёти-таълим-тарбия жараёнининг яхлитлигини, унинг мантиқини ва тузилишини, эгаллашга қўйилган қадамнинг кейинги босқичи сифатида педагогик жараёнларни ўрганиш, назарий жиҳатдан англаш, болалар жамоасини ўрганишни чуқурлаштиради.

Педагогик амалиёт – талабаларнинг барча мутахассислик фанларидан эгаллаган назарий билимларини мустаҳкамлаб ва чуқурлаштирибгина қолмай, балки уларда зарурий педагогик малака ва кўнікмаларини ҳам шакллантиради.

Амалиёт даврида бўлажак тарбиячи, мактабгача таълим бўйича йўл-йўрик кўрсатувчи, мактабгача педагогика ва руҳшунос ўқитувчилари раҳбарлигидан болалар муассасаларида таълим тарбиявий жараённинг турли томонларини кузатадилар, таҳлил қиладилар, гурухларда амалга ошириладиган ўқув-тарбиявий ишлар режасини мустақил тузишга уларни ўтказишга ўрганадилар.

Педагогик амалиёти – бу ўзаро боғлиқликни чуқурлаштиради ва талабага назарий билимларини амалиётда қўллаш, бошланғич педагогик тажриба орттириш имконини беради.

Педагогик амалиёт – талабалар учун гурух тарбиячилари билан ғоявий-сиёсий ишларни ўтказиш тажрибасини эгаллайдиган мактаб бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, талабалар тарбиячиларининг билимларини, уларнинг маданий даражаларини оширишга қаратилган жараён бўлиб ҳисобланади.

Педагогик амалиётнинг мақсади:

Талабалар – болалар фаолиятини ташкил ва уларга раҳбарлик, болалар ва ота-оналар билан мулоқотга киришишни.

Мудира ва катта тарбиячининг таълим-тарбиявий ва методик ишларга раҳбарлик иш услублари билан яқиндан танишиш.

Малакавий – педагогик амалиётнинг вазифалари

1. Мактабгача педагогика, махсус методикалар ва бошқа фанлардан олган назарий билимларини таълим-тарбиявий жараёнга тарбиқ этишга ўргатиш.
2. Таълим-тарбиявий жараёнда болалар ҳаётини гурухларда ташкил этишни кузатиш ва таҳлил қилишга ўргатиш.
3. Учинчи мингийилликнинг боласи дастури талаблари асосида таълим-тарбия ишларни режалаштиришга, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ишларини ташкил этишга ўргатиш.
4. Болалар жамоасини мустақил ташкил этиш, улар билан яккана-якка ишлай олиш, кундалик жараённи ўтказиш, машғулот, ўйин меҳнат, сайдир, кечки соатларни ўтказишга ўргатиш.
5. Талабаларни ота-оналар жамоатчилиги билан ишлашнинг турли шакл ва методлари (ота-оналар мажлиси, яккана-якка ва умумий маслаҳатлар, болалар уйларига бориш) билан таништириш.
6. Мудира ва катта тарбиячи томонидан таълим-тарбиявий, молиявий хўжалик, методик ишларга раҳбарлик усул-услублари билан яқиндан танишдилар.
7. Муассасада методик иш шаклларини намунали ташкил этиш.
8. Мактабгача таълим муассасаси иш хужжатлари билан яқиндан танишиш ва ўрганиш.
9. Талабалар томонидан босқич ва битирав ишлари учун амалиётда асосланган далилий материалларни тўплаш, тажриба синов қисмини ўтказиш.
10. Талабаларда – таълим-тарбиявий, методик ва ташкилий ишларни ташкил эта олиш, ташкилотчилик қобилийтларини тарбиялаш.

Малакавий педагогик амалиёт жараёнида талабаларда қўйидагилар шаклланади

- 1) Назарий билимларини амалиётда кўллай олиш;
- 2) Болалар билан алоқа ўрната олиш ва уларга раҳбарлик қилиш каби дастлабки малкалар;
- 3) Таълим-тарбия жараёнларини мустақил равища кузатиш ва таҳлил қилиш, тарбиячи ва ўртоқлари ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўра олиш ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсата олиш;
- 4) Кундалик педагогик жараённи; машғулот, харакатли ўйинларни, меҳнат, сайдир жараёнларини мустақил ўтказа олиш каби малакалар;
- 5) Дастурнинг турли бўйимлари бўйича машғулотлар режасини мустақил тузишга, режа мазмунини танлашда болаларнинг ривожланиш савиясини хисобга олган ҳолда мақсад қўя олиш ва бажариш усул-услубларини танлай олишга;
- 6) Элементлар математика, табиат билан таништириш, нутқ ўстириш, тасвирий фаолият бўйича болаларнинг билим савияларини, ўйин. Меҳнат, харакат фаолликларини келгусида янада ўстириш, илгари суриш ва болаларни мактаб таълимига тайёргарлик даражасини диагностика қила олишга ўрганадилар;
- 7) Болалар билан меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш, болалар хукукларига хурмат билан қараш каби ҳислатларини шакллантириш;
- 8) Мактабгача таълим муассасанинг иш хужжатларини юритиш бўйича;
- 9) Методик иш шаклларини мустақил ташкил эта олиш;
- 10) Тўпланган маълумотларни тўғри таҳлил қилишга ва кузатиш дафтарга хulosаларни саводли ёзиш каби қўнималар ҳосил бўлади.

Педагогик амалиёт 2 босқичда ташкил этилади.

1-босқич – Тайёргарлик босқичи.

Бу босқич асосан 6-семестрлан бошланиб, талабалар – лаборатория амалиёти даврида мактабгача таълим муассасаси, педагогик ва хизмат кўрсатувчи ходимлари

билан танишадилар, таълим-тарбия жараёнини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар, гурухлардаги болаларни жойлаштирилиши, гурух жиҳозланиши, болалар жамоаси, болаларни билим савияси индивидуал хусусиятлари билан таништирилади.

Биринчи – тайёргарлик босқичи бўлиб V-семестрнинг бошида бошланади ва педагогик амалиётнинг иккинчи хафтасигача давом этади.

Талаба лобаратория топшириқларини бажариш билан бир вактда болалар боғчасида унинг педагогик жамоаси ва бошқа хизматчилар билан танишадилар. Ўқитувчи уларни болалар боғчалари гурухларига тақсимлайди ва уларга ён гурухларни бириктириб қўяди. Талабалар бириктирилган гурухларнинг болалари, уларнинг отаоналари, оиласдаги тарбия шароитлари /5-6 боланинг/ билан танишадилар. Ён гурухларда тарбиячиларнинг ишларини кузатадилар, болалар жамоасини, уларнинг тараққиёт тарбияланганлик даражаларини, индивидуал /якка-якка/ хусусиятларини ўрганадилар.

Тарбиячилар билан гурухдаги таълим тарбиявий ишларни кузатадилар, таҳлил ва муҳокама қиласидилар. Уларнинг «Болалар боғчаси»да таълим-тарбия дастури талабаларига муваффиқлиги ҳакида қисқа ёзма хулоса тузадилар.

Талабалар босқич иши тадқиқот тажриба ишларини ўтказганликлари туфайли педагогик ишда фаол қатнашадилар. Талабалар тўгарагида маъруза қилиш учун маълумотлар тўплайдилар, мактабгача педагогикаси, болалар психологияси, маҳсус методилар бўйича топшириқларни бажарадилар, болага психологик-педагогик тавсиф ёзиш учун кузатишлар олиб борадилар.

Гурухларда тарбиявий ишларни режалаштириш ва уларни ҳисобга олиши иш шакллари билан, шунингдек болалар боғчасининг мудираси ва катта тарбиячисининг иши билан ҳам танишадилар.

V-семестр давомида лабаратория /амалий/ машғулотларни қуидаги мавзуларда олиб борилади:

I. Болаларни мактабгача тайёрлаш /1та машғулот/

1. Болаларни мактабгача ўқишига ақлий тайёрлиги.

II. Болалар боғчасида ўргатишнинг /таълим берини/ ташкил этиши шакллари.

1. Машғулотларда болаларнинг тарбияси ва тараққиёти.
2. Турли ш гурухларда машғулот ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.

III. Жисмоний тарбия услубияти /3та машғулот/

1. Кун тартибида жисмоний тарбия ва соғломлаштириш тадбирлари.
2. Болалар боғчасининг турли ёш гурухларида жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш хусусиятлари.
3. Жисмоний машқларнинг спорт турлари /мусобака кўринишлари/.

IV. Болаларнинг таъсвирий фаолиятларига раҳбарлик қилиши услубияти.

1. Болалар боғчаси биносини жиҳозлаш. Таъсвирий санъат, болаларнинг эстетикасини /бадиий дидини/ тарбиялаш воситасидир.
2. Болалар боғчасининг турли ёш гурухларида тасвирий изодий фаолият бўйича машғулотларни ўтказиш услубияти.

Ўқищдан ажралган ҳолда ўтказиладиган амалиётнинг биринчи хафтасида (IV семестр бошида) ҳар бир талаба боғчага қатнашни давом эттиради ва амалиётчи-тарбиячи сифатида ишлаш учун зарур хужжатларни тайрлайди: истиқбол ва хафталик тарбиявий иш режасини, машғулот ишланмаларини (ёзмаларини) кўргазмали қўлланмалирини тайёрлайди. Ҳафтанинг охирида талабалар томонидан тайёрланган хужжатлар /режа ва конспектлар/ гурух тарбиячиси, болалар боғчасининг катта тарбиячиси, Университет ўқитувчиси, педагог амалиётининг гурух раҳбари томонидан тасдиқланади, сўнгра талаба болалар билан мустақил ишлашга руҳсат берилади.

Амалиётнинг иккинчи босқичида – талаба тарбиячи ва катта тарбиячи сифатида мустақил ишлайди.

Ұар бир болалар муассасасида 8-10 тагача талаба ишлайди. Улар гурухларга 2-тадан тақсимланған бўлади. Амалиётнинг 1,2,3,4 ҳафталари давомида талабалар тарбиячи сифатида бир-бирлари билан алмашиниб куннинг биринчи ва иккинчи ярмида ишлайдилар. Сўнгра амалиётнинг 7-ҳафтасида мудира, катта тарбиячи сифатида ишлайдилар.

Амалиётнинг биринчи босқичида талабалар қўйидаги ишларни ўтказадилар.

V. Нутқни ўстириши услубияти /3 та машғулот/

1. Болалар боғчасида болаларнинг сўзлашув нутқини ўстириш.
2. Болалар боғчасида болаларнинг боғланишли /ҳикоя килиш/
3. Турли ёш гурухларда болалар нутқининг товуш маданияти.

VI. Болаларни табиат билан таништириши услубияти. /3 та машғулот/

1. Болалар боғчасининг кичкина ва ўрта гурухларида болалар-ни табиат билан таништириш шакллари ва услублари.
2. Болалар боғчасининг катта ва мактабгача тайёрлов гурухларида болаларни табиат билан таништириш шакллари ва услублари.
3. Турли ёш гурух болаларини сайрда табиат билан таништириш.

VII. Болаларни элементар математик билимларни ўргатиши услублари /4 та машғулот/

1. Кўпликни фарқлаш /ишлатишга/ ўргатиш.
2. Микдор ва тартиб бўйича санамга ўргатиш.
3. Турли хил катталикларни солиштириш ва ўлчаш.
4. Турли геометрик шаклларда /фигураларда/ умумий ва фарқни топиш йўлларига ва шаклларни /фигураларни/ турли белгилари бўйича гурухлантиришга ўргатиш.

Малакавий-педагогик амалиёти бошланмасдан талабалар қўйидаги иш хужжатларини тайёрлайдилар:

1. Ұар бир методика фанлари бўйича машғулотлар режаси ишланмалари, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар.
2. Ҳафталиқ таълим-тарбия иш режаси (истикбол режа);

Бу хужжатлар кафедра мудири, умумий амалиёт раҳбари ва фан ўқитувчилари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Шундан сўнггина талаба малакавий амалиёт ўтказишга ва болалар билан ишлашга руҳсат этилади.

Педагогик амалиётнинг II-босқичи талабанинг мустақил тарздаги тарбиячилик фаолиятидир.

Амалиётнинг иккинчи босқичида талабалар ишининг мазмуни қўйидагилардан иборат;

Бириктирилган гурухда тасдиқланган иш режаси асосида таълим-тарбиявий ишлар ўтказади.

Болалар учун умумий тадбирларни /экскурсия, дам олиш соатларини, эрталикларни/ ташкил этади.

Услубият хонасидаги ишнинг мазмуни билан танишиб, хонанинг педагогик жараён талабаларига жавоб бериш-бермаслигини ва болалар билан ишлашда фойдаланишини аниқлайдилар. Хонани тўлдириш /бойитиш/ бўйича тавсиялар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширишда қатнашадилар.

Тарбиячиларнинг ишлаш малакасини ошириш ишида иштирок этадилар; очик машғулотлар, маслаҳатлар, сұхбатлар ўтказадилар, педагогика кенгашларда босқич ишларининг натижалари билан таништирадилар; услубий адабиётлар муҳокамасида иштирок этадилар.

Мактабгача тарбия методикасининг иш хужжатларини; йиллик ойлик иш режаларини, педагогик кенгашларнинг қарорларини, буйруқ ва фармон дафтарини, китобини, смета, текшириш актларини, болаларнинг рўйхатини ва педагогик қарорлари, ҳамшира ходимининг хужжатларини ўрганадилар.

Болалар боғчасининг иш режаси асосида гурух отаоналар мажлисини ташкил этиб, бола тарбияси муаммосига бағишлишаға масалалар ечимини ҳамкорликда ҳал этиш.

Болалар боғчасининг педагогик кенгашининг иши билан танишадилар унда босқич иши бўйича ўтказган тадқиқот-тажриба ишларининг натижалари ҳақида маъruzалар ўқийдилар.

Ота-оналар бурчагида болалар ишларининг, адабиётларнинг кўргазмасини ташкил этади, ёзма маслаҳатлар ташкил этиш.

Болалар боғчаси мудирасининг маъмурий-педагогик ишларини кузатади ва таҳлил қиласидилар.

Болалар боғчасининг катта тарбиячисининг кейинги ой /амалиётдан кейинги/ учун иш режасининг тузадилар ва уни мудира ва ва каттатарбиячи тасдиқланга тавсия этадилар.

Катта тарбиячи сифатида ишлаш.

- а) Муассасанинг йиллик, ойлик, хафталик иш режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш; ;
- б) Гурухнинг иш режасини ўрганиш ва таҳлили методик ёрдам кўрсатиш;
- в) Дастурнинг бажарилишини назорат қилиш ;
- г) Болалар ишларини таҳлил қилиш;
- д) Методик кабинети иши билан танишиш ишларни назорат қилиш, барча бўлимларни пухта таҳлил қилиш. Айниқса ахлоқий тарбия бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида назорат қилиш. Методик йўлланмалар бериш кўргазмали куроллар тайёрлаш, камчиликларни ҳамкорлик принцип асосида бартараф этиш бўйича ишларни ташкил этиш;

БУНДА ҚУЙИДАГИ ИШЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

1. Маълум ёш гуруҳи учун таълим-тарбиявий иш режасини тузиш ва ўтказиш;
2. Мактабгача таълим муассасасида – саёҳатлар, дам олиш-кўнгил очиш кечалари, байрам эрталиклари каби тадбирларни ташкил этиш;
3. Тарбиячиларнинг ишлаш малакаларини оширишда – очик машғулотлар, маслаҳатлар, сұхбатлар, педагогик кенгаш, семинар ва бошқа методик ишларда қатнашиш;
4. Гуруҳ иш режасига мувофиқ - гуруҳ ота-оналар мажлислари, педагогик ташвиқот ишларида фаол қатнашиш;
5. Гуруҳ ота-оналар бурчаги ва бошқа бурчаклар жиҳозланишида малакали методик ёрдам кўрсатиш;
6. Методик кабинети жиҳозланишига – методикалар ишланмалари, маъruzалар билан методик ёрдам бериш;
7. Ұар бир талаба гуруҳ амалиёти раҳбарлигида 4 та очик машғулот ва бошқа педагогик жараёнларни (кечки соат, ўйин, сайр, соя-стол-қўғирчоқ театри, саҳналаштириш) ўтказиладилар;
8. Болалар билан ишлашнинг энг самарали усул-услубларини педагогик жараёнга кўлладилар;
9. Гурухда болалар жамоасини ташкил этиш ва шакллантириш;
10. Болаларнинг мустақил фаолиятлари учун шароит яратиш;
11. Ўзи ва ўртоқларининг педагогик жараёнларини кузатадилар. Таҳлил қилиш;
12. Шахсий режадаги вазифаларни ўз вактида бажариш;
13. Кундалик дафтарга педагогик жараёнлар ҳисоботини ёзib бориш;
14. Катта тарбиячи иши, иш хужжатлари, методик хонани жиҳозланиши билан танишиш;

15. Очиқ спорт байрамлари, күнгил очиш тадбирларини ташкил этишда қатнашадилар;
16. Якуний педагогик кенгаш ишига қатнашадилар;
17. Якуний конференция учун кўргазмали-выставка ва иш хужжатлари тайёрлайдилар.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-ҳафтасида. Гурух раҳбари талабаларни шахсий режаларини тузишда ёрдам беради ва тасдиқлайди, маслаҳат беради. Режада белгиланган таълим-тарбиявий ишларни бажаришни қаттиқ назоратдан ўтказилади. Ўар бир талабанинг иш фаолиятини кузатади ва чуқур таҳлил қиласи.

Очиқ тадбирлар, очиқ машғулотлар жадвалини тузиб олади. II, III, IV ҳафтада: Ўар бир талаба 2 сменада тарбиячи вазифасида фаолият кўрсатади. Очиқ машғулотлар ўтказадилар, жадвал асосида, машғулот ишланмалари тузадилар ва гурух раҳбари тасдиқлайди, тасдиқланмаган машғулотлар ишланмаси билан машғулот ўтишга рухсат берилмайди.

Маърузалар, ахборотлар, семинар учун чиқишлиар тайёрлаш, болаларнинг уйларига ташриф буюрадилар.

Гурух раҳбари, ҳар бир очиқ машғулотларни кузатади, таҳлил қиласи, баҳолайди.

IV-VI ҳафтада: Мактабгача таълим муассасаси методисти ва мудираси иши билан танишадилар. Методист ва мудиранинг хонаси жиҳозлар, кўргазмали қуроллар тайёрлайдилар. Педагогик кенгаш, семинар ишларига қатнашадилар. Очиқ тадбирлар ташкил этадилар. Кўргазмали учун материаллар йигадилар, иш хужжатларини жиҳозлайдилар. Якуний педагогик кенгаш ишига фаол қатнашадилар. (Маъруза, ахборот ва хисоботлар билан).

Педагогик амалиёт якунида мактабгача таълим муассасасида педагогик кенгаш ўтказилади. Бунда албатта кўргазма ташкил этилади.

Факультетда якуний анжуман ташкил этилиб, бунда мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари, методист-тарбиячилар қатнашадилар. Анжуманга ҳар бир муассаса бўйича кўргазма-выставкалар, болалар ишларидан намуналар, талабаларнинг иш хужжатлари расм-альбомлар ташкил этилади.

Малакавий-педагогик амалиёти рейтинг кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИНГ МАЗМУНИ

I-Топширик. Болалар муассасаларида жисмоний тарбия.

Мавзу: Турли ёш гурухларида жисмоний тарбияни ташкил этиш.

Максад: Болаларнинг турли фаолиятларида, уларнинг жисмоний ўсишлари ва соғликларини кузатиш, баҳолай олиш; болаларнинг жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шароит ва қўлланилаётган усул-услубларни тўғри баҳолай олишга ўргатиш.

Иш мазмуни: Талабалар болалар боғчасининг турли ёш гурухларида болаларнинг жисмоний ривожланиши учун шароит, қулайликлар яратилганлигини кузатадилар ва қўйидаги вазифаларни бажарадилар:

- а) Болаларнинг овқатланишлари бўйича;
- б) Гурух хонаси, болалар кийимлари, жиҳозланишни гигиена талабларига жавоб беришини;
- в) Ёш хусусиятлари асосида болалар жиҳозларининг талабга жавоб бериши;

- г) Болаларнинг физиологик хусусиятлари асосида бино, ер участкаси ва майдончаларнинг жиҳозланиши;
- д) Кичик, ўрта, катта гурухларида жисмоний тарбия машғулотини кузатиш ва таҳлил қилиш;
- е) Талабалар сайдарда мустақил равишда ҳаракатли ўйинлар ўтказадилар;
- ё) Кузатиш натижаларини кундалик дафтарга қайд қилиш, талабалар ўз фаолиятларини шу дафтарга ёзиб борадилар.

II-Топшириқ. Мавзу: Болаларни чиниқтириш. Турли ёш гурухларида куннинг 2-ярмидаги кун тартибини ўтказиш усулларини кузатиш.

Мақсад: Чиниқтириш тадбирларини амалга ошириш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш усулларини кузатишни ўргатиш.

Иш мазмуни:

1. Талабалар болаларнинг тиббий ҳужжатларини ўрганадилар, чиниқтириш тадбирларини ўтказилишини кузатадилар.
2. Сайдар жараённида болаларнинг кўп ва кам ҳаракатли фаолият турларини, буларнинг бола соғлигини мустаҳкамлаш ва уларни жисмоний ривожидаги мақсадга қаратилган ролини кузатиш ва таҳлил.
3. Талабалар мустақил равишда болаларни овқатланишини, уйқусини, сайдарни – турли хилдаги ўйин, кўнгил очиш ўйинларини ва болаларни уйларига жўнатишни ташкил этадилар.
4. Ўз иш натижаларини, кузатган жараёнларини кузатиш дафтарига ёзиб бориши.

III-Топшириқ. Мавзу: «Учинчи мингйилликнинг боласи» дастури асосида турли ёш гурухларида кун тартибини аниқлаш.

Мақсад: Талабаларда оддий иш усуллардан фойдаланган ҳолда кундалик жараённи ташкил этиш ва ўтказишни ўргатиш.

Иш мазмуни:

1. Мудира ёки методистнинг турли ёш гурухларида кун тартибининг ташкил этишини ўзига хос томонлари ҳақидаги маълумоти.
2. Хронометраж болаларнинг жисмоний ўсиш суратларини ҳисобга олиш, бўйи, оғирлиги, кўкрак қафасининг кенглиги, бош миясининг ҳажмини ўлчаш.
3. Эрталабки қабул, бадан тарбия, болаларни ювинишларини, нонушта, машғулот, сайдарга тайёргарликни мустақил ташкил этиши.
4. Кичик, ўрта, катта гурухларида жисмоний тарбия машғулоти-ни ўтказишга талабаларнинг мустақил тайёргарлиги.
5. Кузатганларини кузатиш дафтарига ёзиб боришлари.

IV-Топшириқ. Болаларни табиат билан таништириш услубиёти.

Мавзу: Болалар боғчасида болаларни табиат билан таништириш учун бино ва ер участкасидаги шароит.

Мақсад: Талабаларни табиат билан таништириш бўйича шароитни таҳлил қилишга, шароитни янада яхшилаш ўйлларини қидириб топа олишга ўргатиш.

Иш мазмуни: Талабалар гурухдаги табиат бурчаги – ер участкасидаги аҳволи, уларни дидактик жиҳозланишини таҳлил қиласадилар.

Табиат билан таништириш бўйича машғулот кузатадилар, дастур талабларига биноан турли ёш гурухларида болаларнинг билим савияларини, жонли ва жонсиз табиат бўйича билимларнинг тизими, ҳажми, чуқурлиги ва мазмунини аниқлаш; мустақил равишда дидактик ўйинлар ва табиат материаллари билан турли ўйинлар ташкил этадилар.

Иш фаолияти ва кузатиш натижаларни кузатиш дафтарга қайд этиш.

V-Топшириқ. Мавзу: Турли ёш гурухларда болаларни табиат билан таништиришнинг ўзига хос шакллари, машғулот ва ундан ташқарида.

Мақсад: Турли ёш гурухларида болаларни табиат билан таништиришнинг турли шакли, йўлларини аниқлаш (машғулот ва ундан ташқари).

Иш мазмуни:

1. Талабалар мустақил равишда эрталабки соатдаги навбатчиларнинг табиат бурчагидаги ишларини, ер участкасида болаларнинг меҳнатларини кузатадилар.
2. Мустақил равишда кичик, ўрта, катта гурухларида табиат билан таништириш машғулотини тайёрлайдилар ва ўтказадилар.

Ўқитувчи ёки методистнинг топшириғи асосида экологик маданият – тарбия элементлари қўшиб борилади.

3. Таҳлил жараёнида турли усул, шаклларни аниқлаш.
4. Талабалар сайр, ер участкасидаги кузатиш, кундалик жараёнларни мустақил ташкил этадилар.
5. Кузатиш дафтарига ёзиб бориш.

VI-Топшириқ. Нутқ ўстириш услубиёти.

Мавзу: Турли ёш гурухларда болалар нутқларини ривожлантиришдаги шароит.

Мақсад: Тўлақонли шароитни аниқлаш, нутқ ўстириш услубиёти бўлимларининг мазмунини аниқлаш.

Болаларнинг сўзлашув нутқини, товушлар маданияти устида ишлашни, ривожини аниқлаш.

Иш мазмуни:

1. Болалар боғчасида нутқ ўстириш, нутқ маданиятини ўстириш бўйича яратилган шароитни аниқлаш. Катталар нутқи, ўзаро сўзлашувда нутқ маданияти ва фаоллигини.
2. Дастур талаблари асосида теварак – атроф билан таништириш ва нутқ ўстириш бўлими учун гигиеник шароит, дидактик қўлланма, жиҳозларнинг сони сифати, мазмундорлиги.

Оила билан олиб борилаётган ишлар.

3. Талабалар турли ёш гурухларда нутқ ўстириш бўйича ишлар ахволини кузатадилар ва танишадилар. Бунда: гурух хужжатлари, нутқ паспортини тузишни ўрганадилар, гурухларда болаларнинг нутқ активлиги - қайта хикоя қилиб бериш, сурат устида сухбат, предметларни таърифлаш, хикоялар, турли эртакларни сўзлаб беришларини аниқлаш, болалар хикояларини ёзиб олиш, суратга олиш.
4. Талабалар мустақил равишда нутқ материаларидан (тез айтиш, топишмок, мақолалар) фойдаланиб дидактик ва ҳаракатли ўйинлар ташкил этадилар.
5. Кичик, ўрта, катта гурухларда нутқ ўстириш бўйича машғулотлар кузатадилар, кундалик жараёнларни мустақил равишда ташкил этадилар.

VII-Топшириқ. Мавзу: Турли ёш гурухларда болаларнинг нутқ маданиятини тарбиялаш устида ишлаш.

Мақсад: Болаларнинг нутқ активлигини ривожи бўйича маълумотлар олишни, бу ишларни яна такомиллаштириш йўлларини аниқлаш, машғулот ва ундан ташқари ишларда ташкил этиш шаклларини аниқлаш.

Иш мазмуни:

1. Талабалар нутқ ўстириш бўйича иш формаларини ўтказишида давом этадилар, товуш маданияти устида иш савиасини аниқлайдилар, машғулот ва ундан ташқари жараёндаги болаларнинг сўзлашув нутқи активлигини аниқлаш мақсадида сухбатлар, яккама-якка иш шаклларидан кенг фойдаланадилар, луғат бойлигини белгиловчи хужжатни жиҳозлайдилар.

2. Талабалар қуидаги гурухларда мустақил нутқ үстириш машғулотларига тайёрланадилар ва ўтказадилар:
 - а) кичик гурухда – 1 қисм: болаларга яхши таниш бўлган эртакни қайта ҳикоя қилиб бериш. 2-қисмда: товуш маданияти ўсишда машқ.
 - б) Ўрта гурухда – 1 қисм: ўйинчоққа қараб сўзлаш.

2 қисм: товуш маданияти устида ишлаш;

в) Катта ва тайёрлов гурухда – 1 қисм: суратга қараб ҳикоя тузиш; 2 қисм: товуш маданияти устида машқ.

Талабалар машғулотни таҳлил қилиш жараённида қуидагиларга аҳамиятни қаратадилар:

а) болаларнинг сўз-луғат бойлиги; б) товушларнинг соф-тўғри талаффуз қилиниши; в) нутқига; г) мазмундорлигига; д) турли ёш гурухларида болаларнинг сўзлашув нутқи бўйича малакаларига.

3. Талабалар кундалик жараённи, ўйин – дидактик ва сюжетли – ролли ўйинларни мустақил ташкил этиб бунда болаларнинг нутқини активлаштириши устида мустақил ишлайдилар.

VIII-Топшириқ. Элементар математик билимларини шакллантириш.

Мавзуу: Мактабгача ёшдаги болаларда кўплик ва саноқ тўғрисидаги тушунчаларини үстириш. Турли ёш гурухларида болаларнинг математик тушунчаларини шакллантиришда мустақил билиш ва ининг роли ва ўрни.

Мақсад: Талабаларга болаларнинг предметлар билан уларни бир-биридан фарқ қилишга, турли ёш гурухида сон-саноқ, кўплик тушунчаларини ривожлантириб, машғулот ва ундан ташқари жараёнларда болаларнинг мустақил ижодий тушунчаларини мустаҳкамловчи жараёнлар ташкил этиш.

Иш мазмуни:

1. Талабалар болаларга гурух предметлари билан таъсир этиш кўникмаларини аниқлайдилар. Сон-саноқ тушунчаларини шакллантирувчи 2 та машғулот кузатадилар, математик тушунчаларини үстириш бўлими бўйича ўқув жараёнини жиҳозланиши билан танишадилар.
2. Талабалар ўз гурухларида режим жараёнларида математика мазмунига мос бўлган дидактик ўйинлар ташкил этадилар. Тарбиячи томонидан болаларнинг математик тушунчаларини үстирувчи жараёнларни кузатадилар.

IX-Топшириқ. Мавзуу: Катталик ва шакл тушунчаларини шакллантириш.

Мақсад: Талабалар томонидан болаларнинг шакл ва катталик тўғрисидаги тузунчаларининг аниқлаш, мустақил равишда математика машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишида ижодий топшириқлардан фойдаланиш.

Иш мазмуни:

1. Турли ёш гурухлардаги болаларнинг катталик, геометрик, шакл, уларни ўлчаш тўғрисидаги тушунчаларини аниқлаш.
 2. Талабалар турли ёш гурухларда гурух раҳбари ва методист-нинг тавсиясига биноан математика машғулотларини мустақил ўтказадилар.
- Таҳлил вақтида болаларнинг билим тушунчалари даражасининг гурухлар бўйича такомиллашиб боришини аниқлайдилар, ижодий топшириқларни янада такомиллаштириш усул-йўлларини аниқлайдилар.
3. талабалар турли кундалик жараёнларда математик ўйин турларидан фойдаланадилар.

X-Топшириқ. Тасвирий фаолият услубияти.

Мавзуу: Мактабгача муассасасида тасвирий фаолият услубиёти бўйича ишларининг қўйилиши.

Мақсад: Талабаларни болалар боғчаси биносини бадий жиҳатдан жиҳозланишини баҳолай олишга, янада такомиллаштириш бўйича тавсияномалар беришга. Тасвирий фаолиятнинг турли жанрлари билан болалар билан ишлашда қўллаш усули билан талабаларни таништириш. Болалар боғчасида тасвирий фаолият бўлими бўйича:

- Бино ва иншоатларнинг жиҳозланиши;
- Педагогик жараённинг жиҳозланиши;
- Болаларнинг билим-малакаларини аниқлашга ўргатиш.

Иш мазмуни:

1. Талабалар боғча биносини гурух хоналари ва педагогик жараённи бадий жиҳатдан жиҳозланишини таҳлил қиласидилар ва баҳолайдилар.
2. Талабалар тасвирий фаолият бўйича машғулотни кузатадилар, миллий халқ асрлари билан танишадилар.
Болалар китобларни бадий жиҳатдан жиҳозланишини ўрганадилар.
3. Ўсимликлар, ҳайвонлар, күшларни кузатишни ташкил қиласидилар. Табиат бурчаги ва ер майдончаларида турли ўйинларни ташкил этадилар.
4. Кузатган ва бажарган вазифаларни кундаликка қайд қилиш.

XI-Топширик. Тасвирий фаолият услубиёти.

Мавзу: Машғулот ва ундан ташқарида тасвирий фаолият бўйича ишларни ташкил этиш шакллар.

Мақсад: Тасвирий фаолият бўйича машғулотнинг тузилиши, турли ёш гурухларида усул-услублар хусусиятларини аниқлаш. Дастур талаблари бўйича болаларнинг қўникма-малака ва билим савияларини аниқлай олишга ўргатиш.

Иш мазмуни:

1. Талабалар болаларнинг табиат бурчагида, расмли китобларни кўриш ва якка расм чизишни кузатадилар.
2. Турли ёш гурухларида З та тасвирий фаолият бўйича машғулотни ташкил этадилар. Ўқитувчи ва методистнинг тавсияси билан таҳлил жараённада машғулотнинг жиҳозланишига, унинг тузилиши ва хусусиятларига, қўлланилган усул-услублар, болаларнинг қўникма малакалари, болалар ижодининг ўсиш хусусиятларига эътибор берилади.
3. Талабалар машғулотдан ташқари вақтда тасвирий фаолият бўйича ишларни ташкил этиш ўйллари, шаклларини аниқлайдилар.
4. Кундалик жараён, кузатиш, ўйинни мустақил ташкил қиласидилар.
5. Кузатиш ва ўз ишлари натижаларини кузатиш дафтарига ёзиб борадилар.

XII-Топширик. Талабаларнинг болалар билан мустақил ишлари.

Иш мазмуни: Куннинг 2 ярмида талабалар болаларни уйқудан уйғотишни, овқатланишини, кечки сайр ва ижодий уй ишларини ташкил этадилар. Турли кўнгил очар жараёнларни, ота-оналар билан сухбатлар, мулоқатлар ўтказадилар.

Демак, талабалар юқоридаги топширикларни тўғри, аниқ, намунали ташкил этган ҳоллардагина, ўз олдиларига қўйган мақсадга тўла эриша оладилар.

АМАЛИЁТЧИ – ТАЛАБАНИНГ ИШ ҮУЖЖАТЛАРИ

1. Шахсий режа.
2. Кундалик дафтари.
3. Очиқ машғулотлар ишланмалари ва қарорлари.
4. Кўргазмали қуроллар, қўлланмалар мажмуасининг йиғиндиси.
5. Ўтказилган тарбиявий тадбирлар бўйича материаллар.
6. Тайёрланган маъruzалар ва қарор, семинарда иштироки.

7. Гурухнинг 1 ойга мўлжалланган истиқбол режаси.
8. Таълим-тарбиявий иш режаси (хафталик, ойлик).
9. Психологик диагностика жадвали.
10. Гуруҳдаги болаларни психо-самантик ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари.
11. Талабанинг ҳисоботи.

ПЕДАГОГИК КОЛЛЕЖДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури – таълим тизими олдига улкан вазифаларни қўйди. Республика Президенти ва ҳукуматимизнинг таълимни ривожлантириш, ёш авлодга жаҳон андозаларига мос равишда билим, иқтидор ва кўникмаларни бериш. Уларни она Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги туфайли таълим-тарбия ишларининг бугунги қиёфаси тубдан ўзгарди.

Эндилиқда, Педагогика ва Психология факультети нафақат халқ таълими тизимига, балки Ўрта маҳсус – касб-ҳунар лицей ва коллежларга малакали кадрлар етказиб бермоқда. Бу масала – янгича фикрлай оладиган, халқимизнинг улкан меросларидан оқилона фойдалана оладиган, миллий истиқлол ғояларини ўз ҳаётий ва фаолиятига тўғри сингдира оладиган ходимлар тайёрлашдек долзарбdir.

Бу тизим долзарб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш педагог-ўқитувчилар тайёрлашнинг ғоявий-сиёсий, касб-кор маҳорат даражасини замон талаблари асосида юқори кўтаришни талаб қиласи. Бу эса Педагогика Университетлари талabalari-нинг малакавий-педагогик амалиётини янада такомиллаштириш, иш мазмунини тубдан янгилаш, сифат жиҳатдан янада яхшилашни тақозо этади.

Педагогика ва психология факультетининг мактабгача ва оиласи таълим бўлимида ўтказиладиган педагогик амалиёти битирувчи курс талabalari билан амалга оширилади.

Малакавий – педагогик амалиёти – Университет фаолиятининг принципини бўлган таълимни ўринли – ишлаб чиқариш амалиёти билан қўшиб олиб бориши амалда ҳал этишнинг кулай имконини беради. Педагогик амалиёт даврида талаба ижтимоий-сиёсий, педагогика ва маҳсус методикалар, руҳшунослик ва бошқа фанларни олган назарий билимларига мувофиқ, педагогик коллежда таълим-тарбия ишлари билан боғлиқ фаолиятда иштирок этиш суръатли педагогик кўникма-малакаларини эгаллаб борадилар, айни вактда ўзининг педагогик фаолиятига қай даражада лойиқлигини, қобилиятини, билимини синовдан ўтказадилар.

Педагогик колледжа ўтказиладиган амалиётини ташкил этиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

Тайёргарлик босқичи. Бунда барча методикалар бўйича лаборатория ишларида талаба синов дарсларини ўтказадилар. Бу талабада: 1) Дарс жараёнини мустақил ташкил эта олиш каби кўникмаларни, мустақилликни таъминлайди. Бу вазифани тўлақонли амалга ошириш учун мактабгача соҳаси бўйича барча фанларнинг лаборатория ишлари - ҳам мактабгача таълим муассасасида, педагогик коллежда ўтказиш лозим. Бунинг учун дастур мазмунига ўзгартирисиши киритиш давр талаби. Чунки биз, педагогик коллеж ва лицей учун кадрлар тайёрламоқдамиз.

Педагогик колледжа амалиётнинг мақсади.

Талabalарни педагогик коллежи амалга ошириладиган ишлар мазмуни билан яқиндан таништириш, уларни ўқитувчиликка тайерлашдан иборат.

I. Педагогика коллежида ўтказиладиган педагогик амалиётнинг мазмуни:

- 1) Педагогика ва барча методикалар бўйича дарсларни ташкил этиш;
- 2) Педагогик коллежда олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларга фаол қатнашиш ва ўтказиш;
- 3) Педагогика коллежи томонидан болалар муассасасида ўтказиладиган амалиётларига раҳбарлик қилиш;
- 4) Педагогика коллежида ўтказиладиган тадбир-анжуманларда фаол иштирок этишдан иборатдир.

II. Тайёргарлик босқичи даврида – талабалар дарс ишланмаларини тузишни ўрганадилар, педагогик амалиёт учун керакли иш ҳужжатларини, кўргазмали қуролларни тайёрлайдилар. Бу босқичда – педагогика ва махсус методикалар ўқитувчилари талабаларни стандарт, ўкув дастурлари асосида дарс ишланмасини тузা олиш каби тайёргарлик ишларини тушунтиришлари талабаларнинг назарий билимларини амалиётга қўллай олиш каби интеллектуал қобилиятларини ўстиришлари лозимдир. Талабалар қайси педагогик коллежда амалиёт ўтказишларини, ўкув режа, ўкув дастурларини билишлари лозимдир.

III. Талабаларнинг педагогика, психология, барча мутахассислик фанларидан мустақил дарс ўтишлари босқичида: Авваломбор:

- 1) Ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш;
- 2) Ўзини ўқитувчиликка тайёрлаш. Педагогик маҳорат, педагогик ахлоқ-одоб-этика, нутқ маданияти фанларидан эгаллаган назарий билимларини дарс бериш жараённида қўллай олишни тарбиялаш;
- 3) мустақил дарс ўтишга киришиш, ўқитувчилик фаолиятига киришиш;
- 4) Дарс жараённида янги педагогик технологияларни, дарс беришнинг ноанъянавий усулларидан, техника воситаларидан мақсадли фойдалана олиш каби кўнималарини тарбиялаш;
- 5) Илмий-методик, манбаларидан фойдалана олиш каби ақлий фаолиятларини ўстириш;
- 6) Дарс бериш жараённида аниқланган камчилик ва муаммоларни асосли равишда исботлашга ўргатиш, турли метод, усуллардан фойдаланиш;
- 7) Дарс ишланмаларини тузиш, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар тайрлашга ўргатиб борилади;
- 8) Гурух ҳужжатларини ўрганиш (журнал, талаба шахсига доир ҳужжатлар).
- 9) Ўқитувчининг маҳоратини кузатиш, ўрганиш, талабалар билан яккамаякка ишлаш;
- 10) Дарсларни тўғри режалаштириш, кузатиш ва таҳлил қилишга ўрганиш;
- 11) Ўртоқларининг дарсини кузатиш ва улар ишга комиссия баҳо бера олишга ўргатиш;
- 12) Педагогик коллежи ички тартибга қоидаларни тўлиқ риоя қилиш.
- 13) Дарс таҳлилини қарорлаштиришга ўргатиш;
- 14) Дарснинг технологик картасини тузишга ўргатиш;

III. Маънавиймаърифий ишлар.

- 1) Коллеждаги маънавиймаърифий ишларни кузатиш, иш режасини ўрганиш;
- 2) Гурух мураббийларининг иш режалари билан танишиш, ўрганиш;
- 3) Гурух талабаларининг маънавий қифаларни ахлоқодоб даражаларини ўрганиш, кузатиш;
- 4) Талабалар билан сұхбатлашиш;
- 5) Белгиланган гурухда тарбиявий соатларни ўтказиш, кузатиш, талабаларнинг фаолиятларини ўрганиш, баҳолаш;
- 6) Гурухда талабаларнинг миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, миллий мағкуруни шакллантириш мақсадида давра сұхбати, кечалар, КВН уюштириш;

- 7) Намунавий тарбиявий очиқ тадбирларни ташкил этиш;
- 8) Талабаларнинг маънавиятини аниқлаш мақсадида тест саволлари анкета саволлари тарқатиш;
- 9) Бириктирилган гурӯҳ талабаларига характеристика тузиш, индивидуал ишлаш;
- 10) Гурӯҳни бадиий жиҳатдан жиҳозлашни ташкил этиш;
- 11) Гурӯҳлараро мусобақалар ташкил этиш;
- 12) Маънавиймаърифий иш режасини тузишга ўргатиш, саёҳат ташкил этиш, гурӯҳ мажлисини ташкил этиш.

IV. Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган амалиёт.

- 1) Талабалар педагогик амалити раҳбари сифатида коллеж талабаларини болалар боғчасидаги таълим-тарбиявий жараенларни режалаштириш ва амалиётда қўллай олишни ўргатадилар;
- 2) Талабаларга болалар жамоасини ва фаолиятини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик, болалар ва ота-оналар билан мулоқатга киришиш йўллари ва усуллари ҳақидаги билим ва малакаларини такомиллаштириш;
- 3) Кундалик педагогик жараёнларни, машғулот, ўйинлар, меҳнат, сайдар ва кечки соатларни мустақил ташкил эта олиш каби малакаларини ўстиришда амалий ёрдам қўрсатиш;
- 4) «Учинчи мингийилликнинг боласи» Дастурининг турли бўйимлари бўйича машғулотлар ишланмасини мустақил тузишга, режа мазмунини танлашда болаларнинг ривожланиш савиясини ҳисобга олган ҳолда мақсад қўя олишга, бажариш усул-услубларини танлай олишга ўргатиш;
- 5) тарбиячиликнинг маъсулияти, жавобгарлиги, маҳорати, тарбиячилик тарихи, одоби, намуна бўлиши, унинг маънавий қиёфаси қандай бўлиши тўғрисида уларга янги билимлар-тушунчалар бериш; Касбга йўналтириш бўйича сухбат, семинар ташкил этиш;
- 6) муассасадаги тадбирларда фаол иштирокларини таъминлаш мақсадида қўғирчоқ театри, саҳналаштириш, очиқ кечалар, машғулотларда кўнгил очиш жараёнларида қатнашишларини таъминлаш;
- 7) Давлат талаблари асосида болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ишларини ўтказишида малакали методик ёрдам бериш;
- 8) Тарбиячининг иш хужжатларини расмийлаштириш, олиб бориш тўғрисида маълумот бериш, ўргатиш;
- 9) Амлиет даврида ҳар бир талаба қуйидаги ишларни амалга ошради;
- 10) Мутахассислик фанлардан 8та, бунда мактабгача педагогика, нутқ ўстириш, тасвирий фаолият, мусиқа таълим методикаси ва назарияси, психология фанларидан дарс ўтказадилар.

УМУМИЙ АМАЛИЕТ РАҶБАРИНИНГ ВАЗИФАСИ

1. Мактабгача таълим муассасаси ва Педагогика коллажлар билан шартнома тузиш ва малакавий амалиёти тайёрлаш;
2. Амалиёт бўйича бошланғич ва якуний анжуман ташкил этиш;
3. Амалиёт даврида гурух раҳбарлари ва ўқитувчи-методистларнинг фаолиятларини кузатиб бориш, керакли маслаҳатлар бериб бориш;
4. Амалиёт ўтказилаётган жойларга бориш, таълим-тарбиявий жараёнларни, шу машғулот, дарсларни кузатиш ва назорат қилиш;
5. Кафедра мудири, факультет декани ва университет амалиёт раҳбари, ўқув бўлими раҳбарларини очиқ тадбирларга иштирокини таъминлаш;
6. Амалиётни ўз вақтида бошлаш ва тугатиш;
7. Амалиётни фан ва техника ютуқлари, янги педагогик технологиялар асосида ўтказилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
8. Гурух раҳбарлари ва ўқитувчи-методистларнинг иш режаларини тасдиқлаш;
9. Талабалар ва гурух раҳбарлари давоматини доимо назорат ўтказиш;
10. Педагогик амалиёт бурчагига методик тавсиялар ишлаб чиқиш;
11. Амалиёт ўтказилган муассасалар ўқитувчи ва тарбиячиларини меҳнатга ҳақ тўлашни ўз вақтида амалга ошириш;
12. Малакавий амалиёт юзасидан кафедра, факультет ва Университет амалиёт раҳбарига ҳисобот тайёрлаш;

МАЛАКАВИЙ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТДА ГУРУҲ РАҶБАРИНИНГ ВАЗИФАСИ

- 1) Амалиёт ўтказиладиган педагогик коллаж билан шартнома тузиш, амалиётнинг дастури ва вазифалари ҳақида коллаж раҳбарияти ва ўқитувчиларни таништириш. Малакали кадрлар тайёрлаш ишида коллаж жамоасининг вазифалари ва мажбуриятларини тўғри тушунтириш;
- 2) Лаборатория машғулотлари, битирув ишларининг тажриба-синов ишларини ўтказища коллаж ўқитувчиларини жалб этишни мақсадли йўл-усулларни ишлаб чиқиш;
- 3) Амалиёт жараёнида талабаларни гурухларга ва ўқитувчиларга биректириш;
- 4) Намунали ва очиқ дарсларни ташкил этиш;
- 5) Методистлар билан ҳамкорликда дарслар жадвали, ўтказиладиган тадбир-вазифаларни белгилаб олиш ва иш режасини тузиш;
- 6) Талаба ва методиситлар фаолиятига жавобгар шахс сифатида назорат ишларини ташкил этиш;
- 7) Талабаларнинг педагогик коллеждаги тўлақонли ишларини ташкил этишда методистларга методик ва амалий ёрдам қўрсатиш;
- 8) Методистлар фаолиятини режа асосда ташкил этиш ва назорат қилиш;
- 9) Талабаларни шахсий режа ва бошқа иш хужжатларини тузишни таъминлаш ва талабалар фаолиятини назорат қилиб туриш;
- 10) Методистлар талабалар билан биргаликда коллажда амалиёт бурчагини ташкил этиш, синов-очиқ дарслар жадвалини тузиш ва уларни назорат қилишни йўлга қўйиш;
- 11) Амалиёт жараёnda ўз вазифасини бажармаётган методист ва талабаларни огоҳлантириш, тартибга чақириш ва жазолаш;
- 12) Педагогик амалиётга бағишлиланган бошланиш ва якуний конференцияни ташкил этиш;

- 13) Университет амалиёт раҳбари билан алоқа ўрнатиш тадбир ва очик дарсларга таклиф қилишни таъминлаш;
- 14) Кафедра мудири ва факультет декани олдида амалиётни бориши ҳақида маъмулот бериб бориш;
- 15) Якуний ҳисобот тайёрлаш. Камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўриб чиқиши.
- 16) Талабаларга шахсий регия ва кундалик дафтари юритишида амалиет ердам кўрсатиш, уларни ўз вақтида тасдиқлаш;
- 17) Ўар бир дарснинг янги педагогик технологиялар ва техника воситалари билан ўтказиш таъминлаш ва назорат қилиш;
- 18) Маънавий-маърифий ишларни бажарилиши услубидан назорат ўрнатиш;
- 19) Амалиётга сабабсиз иштирок этмаётган талабаларни аниглаш ва услубият раҳбари хабар бериш;
- 20) Педагогик коллежда «Амалиётчилар бурчаги»ни ташкил этишга раҳбарлик қилиш;
- 21) Якуний анжуманга талабаларни ва кўргазмани тайёрлаш;
- 22) Малакавий-амалиёт юзасидан Ҳисобот бериш;
- 23) Талабаларни рейтинг мезонлари асосида методистлар билан биргаликда баҳолаш.

ЎҚИТУВЧИ – МЕТОДИСТЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ ДАВРДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФА ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 1) Ҳар бир фан ўқитувчи-методистлари бириктирилган талабалар билан дарс ишланмаларини биргаликда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва дарс жараёнини кузатиб, талабани баҳолайдилар;
 - 2) Дарснинг дидактик қоидалари, принципиалларига ва замон талаблари даражасида ўтказишни таъминлайдилар;
 - 3) Фан бўйича стандарт асосида, ўкув дастурига мос равишда дарслар ишланмасини ишлаб чиқиши талабаларга ўргатадилар;
 - 4) Ҳар бир дарснинг кўргазмали куроллар, янги педагогик технологиялар, техника воситалар билан ўтказишни ташкил этадилар;
 - 5) талабаларда ўқитувчилик фаолиятга нисбатан қизиқиши – интилишни ўстириш;
 - 6) Ҳар бир дарснинг миллий мағкурамиз, истиқлонимиз ғоялари асосида ўтилишини таъминлаш;
 - 7) Очик дарслар жадвалини умумий раҳбарга ўз вақтида топшириш;
 - 8) Дарсни кузатиш ва таҳлил қилиш ва уларни қарорлаштиришни ўргатиш;
 - 9) Талабаларга маслаҳат кунларини ташкил этиш;
 - 10) Амалиёт жараёнида талабалар билан яқиндан муносабатда бўлиш, уларнинг фикрларини ҳисобга олиш, нотўғри фикрларини исботлаб бериш, педагогик тект-ахлоқ-одоб меъёрлари асосида ишларни ташкил этиш;
 - 11) Иқтидорли талабаларни аниглаш ва уларни рағбатлантириш, улар билан мунтазам ишлаш;
 - 12) Ишдаги ижобий ва салбий томонлар муаммолар тўғрисида умумий амалиёт раҳбарига хабардор қилиш;
 - 13) Талабалар фаолиятни ҳолисона баҳолаш;
- Малакавий педагогик амалиёт даврида талабаларда ўқитувчилик касбига нисбатан қизиқиши, интилиш, жавобгарликни ҳис қилиш, гурухни бошқара олиш, тарбиявий соатларни ташкил қила олиш, ўзини тута олиш, ўз устида ишлаш каби қобилияtlар тарбияланади.

АМАЛИЁТ ДАВРИДА ТАЛАБАНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Мактабгача таълим муассасаларида амалиёт ўтказиш учун керакли иш хужжатларини (машғулот ўтказиш учун режа-конспект ҳар бир тарбия бўйича, жиҳозлар, қўлланмалар, таълим-тарбиявий иш режа)сини тайёрлаш-талабга мувофиқ.
2. Мактабгача таълим муассасасида амалиёт ўтказиш учун оқ халат, хонада кийиладиган оёқ кийимда бўлиши.
3. Амалиётга ўз вақтида бориши, берилган вазифа ва топшириқларни оғишмай бажариши.
4. Мактабгача таълим муассасаси ички тартиб коидаларига тўла риоя қилиши ва мактабгача таълим муассасаси жамоаси билан ҳамкорликда ишлаши ва мулоқатда бўлиши лозим.
5. Режалаштирилган педагоги жараёнини ўз вақтида, кўргазмали материаллар ёрдами ўтказилиши, тасдиқланган режа асосида ишлаши.
6. Сабабсиз амалиётига бора олмаса муассасани олдиндан огоҳлантириш.
7. Очик машғулотлар ва тадбирлар жадвалини 3 кун мухлат ичидаги амалиёт раҳбарига топшириш.
8. Иш вақтида болаларни назоратсиз, ёлғиз қолдирмаслик, доимо болалар олдида бўлиши.
9. Университет ўқитувчилари ва амалиёт раҳбари билан узвий алоқада бўлишлари.
10. Амалиёт бўйича иш хужжатларини, кўргазмали қуролларни топшириш.

Изоҳ; Амалиётдан баҳоланмаган талабалар кейинги амалиёт турига киритилмайди.

ШАХСИЙ РЕЖАНИНГ ТАХМИНИЙ ЖАДВАЛИ

Талабанинг исми, фамилияси.

Амалиёт раҳбарининг исми, фамилияси

Тасдиқлайман

Имзо

«__» ____ 200_ й.

Курси

Муддати

№	Режалаштирилган ишлар мазмуни	Муддати	Бажарилганлиги ҳақида маълумот
1	Масалан. Бошланиш анжумани	Тахминан 13.02.2005 й	Ўтказилди
2	Мактабгача таълим муассасаси билан танишиш	14.02.2005 й.	
3	Гурухдаги таълим-тарбиявий ишларни кузатиш, ўрганиш	14.02.2005 й.	

КУНДАЛИК Дафтарининг тахминий жадвали

1-саҳифа - Низомий номли ТДПУ – амалиёт раҳбари томонидан тасдиқланганлиги.

2-саҳифа – Мактабгача таълим муассасаси раҳбари, педагогик ходимлари ҳақида маълумот.

Число	Бажариладиган ишлар мазмуни	Тахминан	Таклиф	ва
-------	-----------------------------	----------	--------	----

	ва тури		мулоҳазалар
	Фикрлар қисқа ва аниқ ёзилади.		

МАШҒУЛОТЛАР ИНЛАШМАСИ

Машғулот тури, қайси методикадан, қайси гурӯҳда талабанинг исми, фамилияси. Амалиёт раҳбарининг исми, фамилияси.

1. Машғулот мавзуси
2. Машғулот мақсади
3. Машғулот тузилиши
4. Жиҳозланиш
5. Машғулот баёни, тўлалигича
6. Саволлар

Машғулот ишланмаси оқ қоғозга ёзилади, ҳар бир саҳифаси номерланади ва ўтказиш вақти (дақиқаси) белгиланади.

АМАЛИЁТ РАҲБАРИНИНГ ҰИСОБОТ ШАКЛИ

1. Кафедра номи. Амалиёт раҳбарининг исми, фамилияси. МТМнинг номи, номери.
2. Талабалар сони, шундан педагогик амалиётдан ўтган талабалар сони, (руйхати ва сабаби аниқ кўрсатилади).
3. Амалиёт ўтказилган МТМни амалиётга тайёргарлик даражаси, ўқув-тарбиявий ишларнинг умумий ахволи (моддий техника таъминоти, педагогик ходимлар таркиби).
4. Амалиёт раҳбари томонидан МТМни амалиёт ўтказишга тайёрлаш ишлари нималардан иборат бўлди?
5. Амалиётни I-II-босқичларини сифатли ўтказишга факультет ва кафедра аъзолари томонидан кўрсатилган амалий ёрдам ва тадбирлар.
6. Талабаларнинг педагогик амалиётга тайёргарлиги, унинг «Учинчи мингийилликнинг боласи» - таянч дастури ва ихтисослик фанларини билиш даражаси, таълим-тарбиявий жараёнларни ташкил этиши ва ўтказишдаги билим, кўнким ва малакаси.
7. Талаба-амалиётчи томонидан ўтказилган машғулот, тарбиявий-методик ишларнинг қисқача тавсифи, жиҳозланганлиги, дастур талабларига мос келиши, илмий-педагогик даражаси, замон талабларига мос келиши, кўйилган мақсадга эришишдаги самарадорлиги.
8. Машғулот ёки тадбирларни ўтказишда талаба қандай қийинчиликларга учради (ўқув материалларни пухта ўзлаштиргмаганлиги, педагогик ва методик жиҳатдан тайёрмаслиги . . .).
9. Психология, гигиена кафедралари томонидан олиб борилган ёрдам ва раҳбарлик иши юзасидан қисқача маълумот
10. Ўтказилган таълимий, тарбиявий ишлар, мавзули кечалар ва унда ўқилган маърузалар мавзунинг рўйхати (аниқ кўрсатилиши керак).

II. Умумий маълумот

1. Талабанинг сони
2. Техник воситалари орқали ўтказилган машғулотлар сони.
3. Талабаларнинг тарбиячилар машғулотларига қатнашиш ва машғулотлар сони.
4. Ўртоқларининг машғулотларида қатнашишлари ва уларнинг сони.
5. Ўтказилган тарбиявий тадбирларнинг номи ва сони.

6. Ташкил этилган саёхатлар мазмуни ва сони.
7. Ўтказилган кечалар мазмуни ва сони.
8. Ташкил этилган учрашувлар мазмуни ва сони.
9. Тарихий масканларга боришни ташкил этиш ва унинг мазмуни ва сони.
10. Педагогик амалиёт юзасидан сизнинг фикр, мулоҳаза ва таклифларингиз (амалиётни ташкил этиши ва мазмуни жиҳатдан).

ЯКУНИЙ КОНФЕРЕНЦИЯГА ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН КЎРГАЗМАЛИ-ВИСТАВКА ТАШКИЛ ЭТАДИЛАР

Кўргазмани ташкил этишда ҳар бир гуруҳ сардори шахсан жавобгардир.

КЎРГАЗМАГА ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

1. Талабалар томонидан тайёрланган кўргазмали қуроллар қўлланмалар ва ўйинчоқлар.
2. Энг мазмунли маъruzalар, машғулотлар ишланмалари.
3. Энг намунали кўнгил очиқ тадбирлари, сайр ва кечки сайрлар ишланмалари.
4. Болаларни ижодий ишларидан намуналар (кўл ишлари. Расм ва х.к.).
5. Фотосурат, магнитафон ёзувлари, видео тасмаси;
6. Амалиёт жараёнида тайёрланган деворий газеталар, альбом ва х.к.
7. Якуний конференцияда талабалар амалиёт юзасидан сўзга чиқадилар.
8. Рейтинг дафтарга ва қайдномалари жиҳозлайдилар.

АМАЛИЁТЧИ-ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ ҮССОБОТИ ЖАДВАЛИ

1. Талабаларнинг исми, фамилияси.
2. Амалиёт ўтказилган МТМ муассасасининг номи, номери. Гуруҳ тарбиячининг исми, фамилияси.
3. кўйилган мақсад ва вазифаларни қай даражада бажарилгани, ютуқ ва камчиликлар (талаба ўз фаолияти юзасидан қисқача маълумот беради).
4. Амалиёт ўтказишга талабанинг тайёргарлиги қандай бўлди, қайси масалалар бўйича муаммолар туғилди. (аниқ кўрсатилиши лозим).
5. Амалиёт сизга нималарни ўргатди ва қандай кўникма-малакалар эгалланди?
6. Амалиёт даврида болалар билан қандай кўнгил очиш тадбирларини ўтказдингиз?
7. Таълим жараёнида қандай техник воситалардан фойдаландингиз? (кўрсатиб ўтинг).
8. Таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологиянинг қўлланиши, самарадорлиги ва натижасини изоҳланг?
9. Ота-оналар билан олиб борилган ишлар ва натижалари (яккана-якка сухбатлар, маслаҳатлар, ота-оналар кенгашига маъruzalар).
10. Давлат талабларини гурухларда бажарилиши ва бу борада олиб борилган ишлар.
11. Гурух ва МТМга қандай методик ёрдам кўрсатдингиз? (аниқ кўрсатинг).
12. Педагогик амалиёт юзасидан сизнинг фикр-мулоҳаза таклифларингиз (амалиётнинг ташкил этилиши ва мазмуни жиҳатдан)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.

1. Малакавий-педагогик амалиет учун мактабдаги таълим муассасасини тайерлаш;
2. Мудира талабалар учун методист ва тарбиячилар билан сұхбат ташкил этиш;
3. Талабаларни энг намунали гурухларга тақсимлаш;
4. Амалиёт даврида талабаларга керакли ----- ёрдам күрсатиш;
5. Таълим-тарбиявий иш режасини тузишида ва ўтказишида малакали ёрдам күрсатиш;
6. Педагогик кенгаш, семинар ишлар билан талабаларни таништириш;
7. Болалар ва ота-оналар билан ишлашда талабаларга амалий ёрдам күрсатиш;
8. Учинчи мингийилликнинг ----- дастури асосида машғулотларни ташкил этилишни таъминлаш;
9. Талабаларни, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ишлари билан таништириш;
10. Ұар бир талабага тавсифнома бериш.

ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Педагогик амалиёт олий таълим муассасаси тасдиқлаб берган. Ўқув режасига мувофиқ равишида ташкил этилади.

Педагогик амалиётнинг умумий раҳбарини кафедра томонидан тасдиқланади. Умумий раҳбар амалиёт ўтказиладиган муассаса ва педагогик колледж билан шартнома тузади. Тузилган шартномада томонларнинг мажбуриятлари, вазифалари, ўтказиш мүддати, курси, бўлими, амалиёт тури, аниқ күрсатилиши лозим.

Педагогик амалиётга чиқишига тайёргарлик, лаборатория амалиётларини самарали, мақсадли ўтказиш билан боғлиқ.

Талабалар лаборатория амалиёт даврида – педагогик амалиётга керакли бўлган хужжатларни, кўргазмали қуроллар ва кўп ишлари тайёрланади.

Педагогик амалиёти бўйича бошланиш ва яқуний анжуманларига амалиётнинг гурух раҳбарлари, ўқитувчи-методистлар, психология ва гигиена кафедраси ўқитувчилари иштирок этадилар.

Умумий раҳбар педагогик амалиётининг мақсади, вазифалари ва ҳар бир жавобгар шахсларнинг мажбуриятлари, иш вазифалари ҳақида тушунча беради.

Ўқитувчи-методистлар, психология ва гигиена ўқитувчилари амалиёт даврида талабаларни ўз фанлари бўйича бўладиган ишлари билан таништирадилар.

ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИГА ҚАТНАШАДИГАН ЎҚИТУВЧИ-МЕТОДИСТЛАР АЖРАТИЛАДИГАН СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

1. Мактабгача педагогика – 4 соат
2. Табиат методикаси – 2 соат.
3. Тасвирий фаолият методикаси ва устахонаси – 4 соат.
4. Мусиқа методикаси – 2 соат.
5. Нутқ ўстириш услубиёти – 2 соат.
6. Элементар математика методикаси – 2 соат.
7. Жисмоний тарбия методикаси – 2 соат.

8. Мактабгача муассасалардаги амалиёт раҳбарлик – 4 с.
9. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш – 2 соат.

ПЕДАГОГИК КОЛЛЕЖДА ДАРСНИ КУЗАТИШ ВА ТАҰЛИЛ қИЛИШ ЖАДВАЛИ

1. Дарсга ўқитувчининг тайёргарлиги (дарс ишланмаси ва тасдиқланганлиги, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар мавжудлиги), жиҳозланиши.
2. Дарснинг бориши – а) дарснинг таълимий; б) тарбиявий; в) ривожлантирувчи аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши.
3. Дарсда қўлланилган асосий усул, услублар – педагогик ва инновацион ахборот технологиялар.
4. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабати, нутқи, одоби ва уларни фаоллаштириш усуллари.
5. Дарсда вактдан унумли фойдаланиш мустақил ишларни ташкил этиш (уй вазифаларни текшириш ва вазифа бериш).
6. Ўқувчилар билими ва фаолиятини холисона баҳолаш.

Педагогик колледжа дарс жараёнини режалаштириш қўйидаги намунавий нусха асосида ташкил этилади.

ДАРС РЕЖА – МАТНИНИНГ УМУМЛАШГАН ТУЗУЛМАСИ

Сана _____ Гурӯҳ _____
Дарснинг тартиб сони _____
Дарс мавзуи _____

Дарснинг мақсади ва вазифалари:
А) таълимий _____

Б) тарбиявий _____

В) ривожлантирувчи _____

Дарснинг тури _____
Дарсда қўлланиладиган асосий методлар _____

(дарснинг ҳар бир элементи учун ажратиладиган вақт, янги материални баён қилишнинг режаси ва усуслари, ўқувчиларга бериладиган саволларнинг аниқ ифодалари, мустақил ўрганиладиган дарслик бетлари, дарсликда бўлмаган масалалар ва машқларнинг матнлари).

Уйга вазифа _____

(табакалаштирилган уй топшириклари)

Дарс якунлаш _____

(бажарилган ишлар тўғрисида хуносалар)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8-июн 194-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги намунавий Низом»га мувофиқ Университет ўқув бўлими томонидан ишлаб чиқилган «Талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолашни амалга ошириш» йўриқномаси асосида талабаларнинг педагогик амалиёт жараёнидаги билими қуидаги мезон асосида баҳоланади.

ПЕДАГОГИК-АМАЛИЁТНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Педагогик амалиёт 4 ҳафта давом этади.

Ҳафтада 6 – иш куни, ар куни 6 соатдан.

Юқори балл –

Саралаш балла –

Жорий назорат:

1. Талабанинг шахсий иш режаси ва кундалик дафтари –
2. Гурӯҳ истиқбол режасини тузиш –
3. Машғулот ва дарс режасини тузиш –
4. Кун тартиби жараёнларни ўтказиш ишланмалари –
5. Ҳафталик иш режаси –
6. талабанинг давомати, ўз ишига муносабати ва маъсулияти –

Оралиқ назорат:

1. Кундаликни юритишни мақсадга мувофиқлиги –
2. Ўртоқларининг дарс ва машғулотларида қатнашиш ва унинг таҳлили –
3. Очик дарс ва машғулотлар ўтказиш даражаси –
4. Ота-оналар мажлиси, кўрсатилган маслаҳатлар –
5. Синф мураббийси сифати ўтказган маънавий-маърифий соатлар –

Якуний назорат:

1. Талабанинг методик ишлардаги фаоллиги (педагогик кенгаш, семинар, ишларига маъruzалар тайёрлаши, битирув иши мавзуси бўйича).
2. Кеча, тадбирлар ва саёҳатлар ташкил этишдаги фаоллиги –
3. МТМ ва педагогик коллеж учун кўрсатилган амалий методик ёрдам –

4. Гурұх учун күргазмали қороллар –
5. Талабанинг ҳисоботи –
6. Аңжуманга қатнашиши -

